

ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ИНСТИТУТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШИ БОСҚИЧЛАРИ

Данобоев Одил Холбоевич

Аннотация: Ушбу мақола орқали Сиз, муайян ҳуқуқий воқелик ва ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур англаш учун аввало унинг келиб чиқиш манбасини ўрганиш талаб этилишини ва айнан ушбу қоида, терговга қадар текширув институтини пайдо бўлиши ва тарихий ривожланишини тадқиқот доирасида ўрганишга ундаши ҳақида билиб олишингиз мумкин.

Калит сўзлар: терговга қадар текширув институти, тарихий ривожланиш, жиноят ва жазо тизими, дастлабки тергов, давлат органлари ва мансабдор шахслар.

Қадимда мамлакатимиз ҳудудида жиноят ва жазо тизими эрамизнинг VII–VIII асрига қадар одат ҳуқуқи²⁶ асосида, шунингдек зардуштийлик динининг муқаддас “Авесто” китобида келтирилган қоидаларга риоя қилинган²⁷. Юртимиз ҳудудлари Араблар томонидан истилоҳ қилган вақтдан то чор Россияси босқинига қадар бўлган вақт оралиғида эса, ватанимиз ҳудудида хонликлар ва амирликларда жиноят ва жазо тизими одат нормалари билан бир қаторда, шариат нормалари билан тартибга солинган²⁸. Ушбу тарихий даврда олий суд ҳокимияти хон ва амирларнинг назорати остида иш юритган²⁹. Улар ушбу судга раислик қилувчи қози калонни лавозимга тайинлаган ва шу билан биргаликда, уни лавозимидан озод этиш ваколатига ҳам эга бўлган. Бу даврдаги иш юритиш тартибида терговга қадар текширув ҳаттоки дастлабки тергов деган тушунчалар бўлмаган³⁰.

XX асрнинг бошларига қадар юртимиз ҳудудларида жиноят-процессуал муносабатлар аниқ қонунлар билан эмас, балки ислом ҳуқуқи нормалари ёки бошқа турдаги умумий нормалар билан тартибга солинганлиги туфайли, жиноят ишини қўзғатиш, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш, терговга тегишлилигига кўра юбориш ҳаттоки, терговга қадар текширув деган тушунчалар мавжуд мавжуд бўлмаган. Фақатгина ижтимоий ҳавфли қилмишни содир этган шахсни

²⁶ Исҳоқова С.А. “Ҳидоя”нинг мусулмон ҳуқуқи манбаи тизимида тутган ўрни // Ҳуқуқ-Право-Law. Тошкент, 2003. - № 2. – Б.56.

²⁷ Саидахмедов И. Давлат ва ҳуқуқ тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 174 б.; Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т., 2013. – Б. 384, 16.

²⁸ Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Ташкент: Фан. 1974. – 214 б.; Рахмонов А. Шариатда инсон ҳуқуқлари // Ҳуқуқ-Право-Law. – Тошкент. 1999. - №3. – Б. 79.; Мухтасар: Шариат қонунларига қисқача шарҳ. – Т.: “Чўлпон”, 1994. – 336 б.

²⁹ Бакиров Ф. Чор Туркистонида суд, шариат ва одат. – Тошкент: Фан, 1967. -30-б.; Ражабова М. Шариатда қозини тайинлаш тартиби // Ҳуқуқ ва адолат: ўтмиш, бугун, истиқбол. – Т., 2009. Б.37-38.

³⁰ Исҳоқов С.А. Фикҳ – мусулмон ҳуқуқшунослигининг шаклланиши // Ҳуқуқ-Право-Law. Тошкент, 1999. - №3. Б. 83.

қозилар ихтиёрига олиб келишдан аввал ўтказилган қисқа муддатли бўлган воқеага ошдинлик киритиш учун аниқлаштириш ишлари бўлган³¹.

Юртимиз ҳудудлари чор Россияси томонидан босиб олингандан сўнг суд-ҳуқуқ соҳасида бир қанча норматив ҳужжатлар қабул қилинган бўлса-да, аксарият ҳолатларда жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортиш ёки ундан озод этиш масалалари қозилик ва бийлик судлар томонидан шариат ва одат нормалари асосида амалга оширилган³².

1917 йил октябрь тўнтаришидан кейин Ўзбекистон ҳудудида жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи, айрим маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, аммо собиқ Иттифоқ жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги асосида ягона қолипда ривожланган. 1922 йилда РСФСР ЖПК қабул қилингандан кейин ушбу Кодекс иттифоқдош Республикалар билан бир қаторда мамлакатимиз ҳудудида ҳам амал қила бошлади. 1926 йилнинг 6 июнида Ўзбекистон ССРнинг биринчи ЖПК қабул қилинган ва шу йилнинг 1 июлидан амалга киритилган³³. Шу санадан эътиборан, 1922 йилдаги РСФСР ЖПКнинг Ўзбекистонда амал қилиши тўхтатилган.

1922 йилда қабул қилинган РСФСР Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишини қўзғатиш жараёнига «Жиноят ишини қўзғатиш» деб номланган алоҳида бўлим ажратилган ва жиноят ишини қўзғатишнинг сабабларини аниқ белгилайдиган сабаб ва асослар, шунингдек жиноятга доир хабар бўйича тегишли ваколатга эга бўлган органлар ва мансабдор шахслар томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар белгилаб берилган эди.

Унга кўра жиноят иши қўзғатишнинг сабаблари қуйидагилар эди:

- 1) фуқаролар, турли ассоциациялар ва ташкилотларнинг мурожаатлари;
- 2) давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг хабарлари;
- 3) айбини бўйнига олиш тўғрисидаги ариза;
- 4) прокурорнинг таклифи;
- 5) суриштирув органларининг, терговчининг ёки суднинг бевосита аниқлаши³⁴.

Агар РСФСРнинг 1922 йилги ЖПК ва 1926 йилнинг 16 июнида Ўзбекистон ССРнинг биринчи ЖПКни таққослайдиган бўлсак, биз қуйидагиларни кўришимиз мумкин:

1926 йил 16 июнда Ўзбекистон ССР марказий ижроия қўмитаси президиуми томонидан мамлакатимиз тарихидаги биринчи Жиноят-процессуал кодекси тасдиқланди ва шу йилнинг 1 июлидан амал қила бошлади. Ушбу кодекснинг еттинчи боби жиноят ишини қўзғатиш босқичига бағишланган бўлиб, ушбу боб

³¹ Казийских судов и к 1928 г. На территории УзССР они перестали существовать с УзССР. – 1928. – №9. – С.23.

³² Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. – Ташкент: Фан. 1974. – 214 б.

³³ Уголовно-процессуальный кодекс УзССР 1926 года. – Самарканд, 1927. – 70 с.

³⁴ Уголовно-процессуальный кодекс РСФСР 1922 года // Собрание узаконений и распоряжений рабочего и крестьянского правительства, издаваемое Народным комиссариатом юстиции. – М., 1922. – № 20-21. – 24 с.

ўзида олтига нормани қамраб олган. Яъни, 96-моддада жиноят ишини қўзғатиш сабаблари, 97-моддада фуқаролар ва муассасаларнинг аризалари, 98-моддада ёзма аризага қўйилган талаблар ва аноним аризининг фақатгина суриштирув ўтказилганидан сўнг жиноят ишини қўзғатишга асос бўлиши, 99-моддада аризалар ким томонидан қабул қилиниши, 100-моддада аризани кўриб чиқиш натижасида жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда қабул қилинадиган қарорлар (суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишни рад этиш) ва ушбу қарорлар бўйича шикоят бериш муддатлари, 101-моддада жиноят аломатлари ва аризада жиноят белгилари мавжуд бўлган вазиятларда қабул қилинадиган қарорлар ўз ифодасини топган.

1926 йилдаги Ўзбекистон ССРнинг ЖПКнинг 101-моддасида жиноят аломатлари ва келиб тушган аризада жиноят таркибини кўрсатувчи аломатлар мавжуд бўлганда қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинган:

1. Суриштирув органлари томонидан суриштирув бошлаш ва дастлабки тергов ўтказиш мажбурий бўлган ҳолларда 24 соат ичида терговчи ва прокурорга хабар беришлари шарт;

2. Прокурор ишни суриштирув ёки дастлабки терговга ёки тўғридан тўғри судга юборади;

3. Терговчи дастлабки терговни бошлайди ва бу ҳақда прокурорга 24 соат ичида хабар беради;

4. Суд ишни суриштирув ёки дастлабки тергов ўтказиш учун юборади ёки ишни моҳиятини кўриб чиқиш учун тўғридан тўғри қабул қилади³⁵.

Кўриб турганимиздек, 1926 йилда қабул қилинган ЖПКда фуқаролар ёки ташкилотлар томонидан ариза билан бир нечта ҳуқуқни муҳофаза қилиш имконияти мавжуд бўлган. Бир тарафдан мазкур ҳолат ижобий кўринишга эга бўлса-да, мазкур кодексда аризаларни кўриб чиқиш муддатлари ўз ифодасини топмаганлиги сабабли уларнинг узоқ вақт давомида сарсон бўлишига, аризаларнинг ўз вақтида кўриб чиқилмаслигига сабаб бўлган. Шунингдек, 1926 йилдаги Ўзбекистон ССРнинг ЖПКда бир ой муддат ичида суриштирув органлари томонидан жиноят аломатлари мавжудлигини ва жиноят содир этган шахсни аниқлаш мажбурияти белгиланган. Белгиланган муддат ичида ўтказилган текширувлар ўз самарасини бермаса, барча ҳужжатлар ишни тугатиш учун прокурорга юборилиши лозим эди.

1929 йилда, «жиноят ишларини юритишни соддалаштириш тўғрисида» 93-сон хат мавжуд бўлиб, у терговга қадар текширув якунига кўра жиноят ишини қўзғатиш ва ишдаги бошқа қарорларни милиция ходими, терговчи, прокуратура ходимлари томонидан қабул қилишни бекор қилди. Унга кўра фуқаролардан келиб тушган аризалар рўйхатдан ўтказилиб тегишли ҳаракатлар амалга ошириш имконияти мавжуд бўлди. Яъни, ушбу ҳужжат асосида терговга қадар

³⁵ Крылов И.Ф., Бастрыкин А.И. Розыск, дознание, следствие: Учеб. пособие. Л.: Изд-во ЛГУ, 1984. С. 105.

текширув ва дастлабки тергов ўртасидаги чегара олиб ташланди³⁶. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқшунос олимлар томонидан эътирозларга сабаб бўлди.

Агар бир гуруҳ олимлар томонидан жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш бевосита дастлабки тергов органларининг ваколати эканлигини исботлашга интилиб, ушбу ҳаракатлар келиб чиқиш табиатига кўра дастлабки терговнинг ажралмас қисми бўлиши лозимлигини қайд этган бўлса³⁷, бошқалар ушбу турдаги амалиётга қаттиқ қаршилиқ билдиришди. Улар терговга қадар текширув натижалари ҳар бир ариза бўйича ўзига хос хусусиятга эга эканлигини таъкидлаб, ушбу жараён фақатгина терговга қадар текширув жараёнида аниқланиши лозимлигига ишонишган. Яъни, «Бундай ҳолларда асосий ҳаракатлар текшириш тергов ҳаракатлари билан амалга оширилиши мумкин эмас, балки бошқа процессуал ҳаракатлар орқали амалга оширилиши керак» деган фикр билдирилди³⁸.

1959 йил 21 майда янги ЎзССР Жиноят-процессуал кодексининг қабул қилиниши билан (1960 йил 1 январдан кучга кирган) терговга қадар текширув институти илк марта қонунда ўз ифодасини топди. Ушбу қонун билан жиноят ишини қўзғатиш учун сабаблар доираси сезиларли даражада кенгайтирилди. Уларни қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

- 1) фуқароларнинг аризалари;
- 2) матбуотда эълон қилинган мақолалар ва хатлар;
- 3) айбини бўйнига олиш аризаси;

4) суриштирув органи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларнинг бевосита аниқланиши.

1982 йил 28 октябрда Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартиришлар орқали ушбу асослар таркибига муассасалар, корхоналар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг хабарлари қўшилди.

Шунингдек, ушбу ЖПК билан жиноят ишини қўзғатишни рад этиш учун асослар ҳам кенгайтирилди. Жумладан: жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса; қилмишда жиноят таркиби бўлмаса; жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса; эълон қилинган амнистия акти ёки авф қарори шахсга дахлдор бўлса; шахс ижтимоий хавfli қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса; ушбу кодексда назарда тутилган ҳолатларда жабрланувчи ва айбланувчи ярашган бўлса; иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ушбу Кодекснинг 372-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса.

1959 йилдаги ЎзССР ЖПКда содир этилган ҳодисада жиноят белгиларини аниқлаш усуллари сифатида фақат зарур ҳаракатлар талаб қилиб олиш ва

³⁶ *Голунский С.* О возбуждении уголовного преследования // Социалистическая законность. 1936. № 2. С. 39.

³⁷ *Шифман М.* Дискуссионные вопросы уголовного судопроизводства. // Социалистическая законность. 1957. № 7. С. 18; *Вышинский А.Я.* Курс уголовного процесса. М., 1927. С. 145.

³⁸ *Голунский С.* О возбуждении уголовного преследования // Социалистическая законность. 1936. № 2. С. 40.

тушунтиришларни олиш усуллари келтириб ўтилган. Маълум бўладики, жиноят иши қўзғатгунга қадар тергов ҳаракатларини ўтказилишига рухсат берилмаган эди.

1973 йил 27 июндаги «ЎзССРнинг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»³⁹ Ўзбекистон ССР Олий Кенгаш Раёсатининг қарорига биноан, ЖПКнинг 161-моддаси иккинчи қисмига ўзгартиш киритилди. Ушбу ўзгартириш натижасида кечиктириб бўлмас ҳолатларда жиноят иши қўзғатилгунга қадар ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказишга имкон берди. Кўп жиҳатдан, тергов ҳаракатининг жиноят иши қўзғатилгунга қадар ўтказиш мумкинлигини ЖПКда қайд этилиши биринчи навбатда, амалий фаолиятнинг талаблари билан боғлиқ эди. Шу билан бирга, ҳодиса содир бўлган жой кўздан кечирилганидан сўнг дарҳол жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида қарор чиқариш талаб этилган.

Жиноят иши қўзғатилгунга қадар тергов ҳаракатлари ўтказишнинг ман этилганлиги уларнинг мажбурловчи характерга эга эканлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ эканлиги билан изоҳланади. Ўша даврда бу фикрни В.М. Савицкий илгари суриб, «Жиноят иши қўзғатилишидан олдин тергов ҳаракатларини ўтказиш хавфлидир, бу билан фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳокимият аралашувидан ҳимоя қиладиган зарур тўсиқ йўқ қилиниб, давлат мажбурлов чораларини қўллашда назоратсизлик муҳити яратилмоқда ...»⁴⁰ – деб таъкидлаган.

Ушбу даврда жиноят иши қўзғатиш тўғрисида қарор чиқарилгунга қадар амалга оширилган ҳаракатларнинг чекланиши ҳуқуқшунос олимлар ўртасида мунозараларнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Шундай қилиб, айрим муаллифлар фактик маълумотлар жиноят ишини қўзғатиш учун ва дастлабки терговни бошлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши тўғрисида фикр билдирдилар⁴¹. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса жиноят иши қўзғатиш босқичида далилларни тўплашнинг имкони йўқлигини таъкидлашди⁴². Бизнинг фикримизча терговга қадар текширув якунига кўра жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорларнинг барчаси қонунда белгиланган тартибда олинган далилларга асосланиши лозим.

Юқорида келтирилган таҳлиллар бизларга терговга қадар текширув институтининг вужудга келиши ва ривожланиши бўйича қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради:

Биринчидан. Эрамизнинг VII–VIII асрига қадар бўлган даврда Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган қадимги давлатларда жиноят ва жазо тизими одат нормалари ва зардуштийлик динининг асосий манбаси бўлган «Авесто» асосида тартибга солинган;

³⁹ Ведомости Верховного Совета УзССР. 1973. № 19, ст. 255.

⁴⁰ Савицкий В.М. Очерк теории прокурорского надзора. М., 1975. С. 102.

⁴¹ Карнеева Л. Основания отказа в возбуждении уголовного дела // Социалистическая законность. 1977. № 3. С. 56.

⁴² Жогин Н.В., Фаткуллин Ф.Н. Предварительное следствие в советском уголовном процессе. М., 1965. С. 20.

Иккинчидан. VIII асрдан то XIX асрнинг охирига қадар бўлган даврда мамлакатимиз ҳудудидаги жинойт ва жазо одат ҳуқуқи билан биргаликда шарият нормалари билан ҳам тартибга солинган. Мамлакатимиз ҳудудлари араблар томонидан босиб олиниши натижасида ислом динининг ёйилиши ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида шарият нормаларига асосланиб иш юритилган;

Учинчидан. Совет давлатини шакллантириш даври жинойт-процессуал қонунчилигида тез-тез ва кўп сонли ўзгаришлар билан тавсифланади. Ўша пайтдаги қонунлар матнида кўплаб зиддиятлар мавжуд бўлганлигига қарамадан ЎзССРнинг 1959 йилгача амалда бўлган ЖПКларида терговга қадар текширув фақат сўров шаклида ўтказилганлигини алоҳида қайд этиш мумкин. 1959 йилда қабул қилинган ЎзССРнинг ЖПКда илк маротаба жинойт иши кўзғатиш жинойт процессининг мустақил босқичи сифатида эътироф этилиб, унинг асосий вазифаси жинойтга доир маълумотларни текшириш ва ва жинойт белгилари аниқланган ҳолатларда ишни бўлиб ҳисобланган.

Тўртинчидан. Агар, 1926, 1929 йиллардаги ЖПКда терговга қадар текширув давомида суриштирув органлари далилларни тўплаш ваколатига қисман эга бўлган бўлса, 1959 йилдаги ЖПКда суриштирувчиларнинг мазкур ваколати бир мунча кучайтирилди.

Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг давлатнинг янгича жинойт-ҳуқуқий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ўтказилган суд-ҳуқуқ ислохотлари, бутун дунёда демократияни ва инсон ҳуқуқлари устуворлигини қатъий таъминлашга қаратилган жараёнлар жадаллашгани таъсирида ишни судга қадар юритиш босқичлари такомиллашди⁴³. Хусусан, ЖПКга инсон ҳуқуқ ва эркинлари кафолатларини кучайтиришга қаратилган 70дан ортиқ қонунлар билан ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-442-сон қонунига мувофиқ, терговга қадар текширув босқичи алоҳида институт сифатида ташкил этилди, терговга қадар текширув органларининг аниқ рўйхати, уларнинг ваколатлари белгилаб берилди. Шунингдек, жинойт ишини кўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар ўтказилиши мумкин бўлган процессуал ҳаракатлари доираси кенгайтирилиб, қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шахсни ушлаб туриш, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш каби ҳаракатларни амалга ошириш имконияти вужудга келди.

Сўнги йилларда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар натижасида жинойт-процессуал муносабатларда терговга қадар текширув

⁴³ Раҳимов Ф. Суд-ҳуқуқ ислохотларининг амалий ижроси // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари ахборотномаси. – 2010. – № 1. – Б. 36–38.

босқичига алоҳида эътибор қаратилди, ушбу босқични такомиллаштириш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Лекин шу билан бирга, жиноят-процессуал қонунчилигимизнинг суд-тергов амалиётининг таҳлили мазкур жараёнда бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Фикримизнинг тасдиғи сифатида 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6041-сонли қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони келтиришимиз мумкин. Мазкур фармонда терговга қадар текширув жараёнидаги мавжуд камчиликлар яққол кўрсатиб берилиб, ушбу жараёни янада такомиллаштириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди⁴⁴.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т., 2013. – Б. 384, 16.
2. Бобобеков Х. Темур тузуклари. – Т., 2014. – Б. 57.
3. Ведомости Верховного Совета УзССР, 1961 г., № 16, ст. 3.
4. Ведомости Верховного Совета УзССР. 1973. № 19, ст. 255.
5. Казийских судов и к 1928 г. На территории УзССР они перестали существовать с УзССР. – 1928. – №9. – С.23.
6. Темур тузуклари / Х.Кароматов таҳририда. – Т., «Ғофур ғулом». 1996. – Б. 57.
7. Уголовно-процессуальный кодекс РСФСР 1922 года // Собрание узаконений и распоряжений рабочего и крестьянского правительства, издаваемое Народным комиссариатом юстиции. – М., 1922. – № 20–21. – 481 с.
8. Уголовно-процессуальный кодекс РСФСР 1923 года. – М., 1953. – 43 с.
9. Уголовно-процессуальный кодекс УзССР 1926 года. – Самарканд, 1927. – 70 с.
10. Уголовно-процессуальный кодекс УзССР 1929 года. – М., 1954. – 52 с.
11. Уголовный кодекс Узбекской ССР; Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской ССР (с изм. и доп. на 1 ноября 1983 г.). – Т., 1983. – С. 166.
12. Уголовный кодекс Узбекской ССР; Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской ССР : С изм. и доп. на 1 ноября 1983 г. – Т.: Узбекистан, 1983. – С.165-166.
13. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1959. – № 7. – 3-м.
14. СССР Олий Кенгаши Раёсатининг 1966 йил 26 июлдаги 5362-VI-сонли «Безорилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги фармони // URL: http://www.libussr.ru/doc_ussr/usr_6433.htm (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 21.02.2022).

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6041-сон Фармони // URL: <http://www.lex.uz> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 10.01.2022).